

КЎНГИЛЛАРИ ЛИБОСЛАРИДЕК ОҚ

ШИФОКОРИ ЭЪЗОЗ
ТОПАЁТГАН ЮРТ

дойиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Собир Алимов раҳбарлик қилмоқда.

Янгийул шаҳар поликлиникаси мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда ҳомийлар ёрдами билан қайта таъмирланиб, барча қулайликларга, замонавий тиббий жиҳозларга эга бўлди. 12 та маҳал-

(Давони. Боши 1-бетда).


ла аҳолисига тиббий хизмат кўрсатаётган поликлиника жамоаси ҳар уч-тўрт ойда маҳалла оксоқоллари, шифокорлар иштирокида профилактика ишларини олиб боради. Сухбатлар ўтказиб туради. Кам таъминланган оила-

ларга «Соғлом авлод учун» жамғармаси шаҳар бўлими томонидан етти турдаги дори-дармонлар (1 миллион сўм миқдоридан) тарқатиб борилади.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

СУРАТДА: Тошкент туманидаги **Ғиёс Умаров** агрофирмасига қарашли қишлоқ врачлик пункти раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Собир Алимов.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ЭЛ САЛОМАТ
БЎЛСА БАС

Халқимизда азалдан ҳақимлар улуг ва эъзозли касб соҳиблари ҳисобланган. Оиламиз — шифокорлар оиласи. Мен ҳам ушбу соҳани онамнинг касбини эгаллаш билан бирга, аввало беморларнинг дардига малҳам бўлиш мақсадида танладим.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 19 июлдаги Фармони асосида Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди. Ҳозир академиямида таълим сифатини янада такомиллаштириш, илгор таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида ўқиш жараёнини янги мазмун билан бойитишга алоҳида эътибор қаратилади.

Айни вақтда биз — бўлғуси мутахассисларнинг таълими даволаш амалиёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилаётган. Академиямида замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган аудиториялар, лабораториялар, компьютер хоналари, илмий адабиётларга бой кутубхона, спорт-соғломлаштириш мажмуалари биз, ёшлар ихтиёрида. Бундай эътибор шифокорлик касбининг мавқеи ва мақомини мамлакатимизда янада юксак поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Захро ОРИПОВА,
Тошкент тиббиёт академияси талабаси.

Одамлар борки, бир бор кўришиб, бир марта суҳбатлашганимдаёқ илиқ таассурот қолдириб, қадрдон кишинга айланади. Кўнглимда қандайдир хайрихоҳлик сезасан...

Оҳангарон тумани марказий шифохонаси терапевт-невропатолог Зарифахон Ҳамроева билан суҳбатимиз тезда қовушиб кетди. Бунга сабаб Зарифахоннинг феълидаги дилкашлик, ширинсўзлилик, одамхонлик, ҳушқўллик бўлса ажабмас, дейман ўзимча. Жуда кўп шифокорларимиздаги иқтидор Зарифахонда ҳам бор.

Харқалай, бундай фазилат, кенг феъллилик — элимиз, мамлакатимиз, вилоятимиз, туманимиз, маҳалла-кўй одамлари учун кетмас

БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ

давлат, туман бойлик бўлиб қолиши жуда ҳам муҳим.

Зарифахоннинг ўзига хос фалсафаси шундай: яхшилик ёмонликни, доно нодонни, содда макорни ҳар доим енгиб келган ва ҳамиша шундай бўлиб қолади...

— Дардчил одамларни кўрсам, улардан албатта, ҳол-аҳвол сўрагим, кўлимдан келса, ёрдам бергим, дардига дармон бўлгим келади, — дейди Зарифахон Ҳамроева.

— Ростини айтсам, қилаётган ишим, шифокорлик касбим ўзимга ёқади. Мана 26 йилдирки, беморларимнинг дардига шифо то-

пиш учун ҳаракат қиламан.

Устозим Нурихон Турсуновани жуда қадрайман. Нимаики яхши хислатларим бўлса, шу кишининг маслаҳатлари туфайли. Нурихон опа ҳамиша мендан ёрдамларини аямаганлар. Она, аёл, тажрибали шифокор сифатида ҳали ҳануз қўллаб-қувватлаб келади. Қолаверса, шифокорлар Фарход Тўлағанов, Машқура Султонова, Аъзам Мирсидиков, Феруза Бердиева, ҳамшира Дилором Абдуҷалилова сингари ҳамкасбларимнинг мададларига ва беғараз ёрдамларига суянаман. Улар би-

ТЎҶҚИЗ ОЙДА ТЎРТ МИНГ ЧАҚАЛОҚ

Ангрендаги марказий шифохонанинг туғруқ бўлими ходимлари ҳам касб байрамларини йил давомида эришилган қатор ютуқлар билан нишонлаптилар.

— Туғилиш — ҳаёт давомийлигидан далолат, — дейди бўлим бош шифокори Гулсара Жабборова. — Халқимиз қадимдан болажон, Кексалар айтганидек, чақалоқ ингаси, она алласи янграб турган юртда тинчлик, омонлик, фаровонлик барқарор. Шу боис, мамлакатимизда она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш давлатимиз сийбосининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шаҳар аҳолиси 160

мингдан ошди. Табиийки, уларнинг ярмидан кўпи аёллар ва болалардир. Лашкерак, Нишбош каби қишлоқлар шаҳардан 20-30 километр олинса жойлашганлиги боис она ва болани тиббий кўриқдан ўтказиш борасида олдин қийинчиликларга дуч келар эдик. Бугун эса мавжуд имкониятлар асосида жойларда сайёр тиббий гуруҳ хизматлари ташкил этилди. Шу кунгача 5 мингдан зиёд аёл, 4560 бола тиббий кўриқдан

ўтказилди.

Шаҳар марказий шифохонаси раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан тизимида касаначиликни ривожлантириш мақсадида шифохоналар учун чойшаблар, ходимлар учун халат, тиббиётда қўлланиладиган бошқа буюмларни шу ернинг ўзида тайёрлаб берувчи тикув цехи ташкил этилди. Бу ерда 15 нафар ички ва мутахассис фаолият кўрсатиши режалаштирилган.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

ЛОЙИҲА
ДОИРАСИДА

«Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида Бекобод тумани ҳудудидagi 12-қишлоқ врачлик пункти ҳам барпо этилиб, тиббий воситалар билан жиҳозланди.

— Давлатимиз раҳбари Исролом Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси ўлароқ, бизнинг шифо масканимиз қиёфаси ва фаолияти ҳам тубдан ўзгарди, — дейди мазкур қишлоқ врачлик пункти муdiri Баҳром Бобоҷонов. — Айниқса, ноябрь ойининг иккинчи яқшанбаси юртимизда Тиббиёт ходимлари кунини сифатида белгилангани биз, шифокорларни жуда қувонтирди.

ЧИРЧИҚ ТИББИЁТ
КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

вилоятимиз тиббиёт

ходимларини

мустақил диёримизда

илк бор нишонланаётган

касб байрамлари билан

самимий табриклайди.

Инсон саломатлигини

асраб-авайлашдек эзгу

ва шарафли фаолиятларида

юксак зафарлар тилайди.

Фуркатдан фойдаланиб,

вилоятимиз тиббиёт коллежларида

шарафли касб сир-асрорларини

ўзлаштираётган илмга чанқоқ

талабалар ва уларнинг


фидойи мураббийларини

байрам билан қутлаймиз.

ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

барча тиббиёт ходимларини
касб байрамлари билан
муборакбод этади!

Беморлар дардига малҳам бўлишдек
энг шарафли ва шу билан бирга
масъулиятли меҳнат фаолиятингизда
фидойилик, бағрикенглик, меҳрибонлик
доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолаверсин!
Хасталарни юксак малака ва ширин сўз
билан даволашдан ҳеч қачон толманг,
қўлингиз ҳамиша енгил бўлсин!



● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт

ФИНАЛГА БИР ҚАДАМ

Хитойнинг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтаётган WTA таснифидаги халқаро теннис турнирида 1/4 финал баҳслари ўтказилди. Унда муваффақиятли қатнашаётган ҳамюртларимиз Ирода Тулаганова ҳамда Окгул Омонмуродова ўз рақибларини енгиб, ярим финалга йўлланма олишди. Дастлаб Ирода Тулаганова Янги Зеландиялик рақиб Ма-

рина Ериевични 6-2, 7-5 ҳисобида енгган бўлса, Окгул Омонмуродова япониялик теннисчи Анно Накамурага 4-6, 6-3, 6-2 ҳисобларида енгди. Агарда ярим финал баҳсларида Ирода Тулаганова ҳам муваффақиятли ўтишса, улар финалда тўқнаш келишлари мумкин. **Нодира ОЛИМОВА, УзМУ 1 курс талабаси.**

ЯНАНИНГ УЧ ОЛТИНИ

Пойтахтимизда ўтказилган бадминтон бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасида еттинчи нафар спортчи голиблик учун узвора куч синишти. Аёллар ўртасидаги беллашувларда Анна Смирнова ва Елена Хамидуллинани орта қолдирган Яна Катеринич шохланинг энг юқори поғонасини эгаллади. У, шунингдек, моҳир бадминтончи Анна Смирнова билан ҳамкорликда жуфтликлар ўртасидаги беллашувларда ҳам

голиб чиқди. Аралаш жуфтликлар баҳсида Рафаэль Зокиров билан бирга ўйнаган Яна Катеринич учинчи олтин медални қўлга киритди. Эраклар ўртасидаги яқкалик беллашувларида Рафаэль Зокировга еттиданга топилмади. Қолган совринли ўринларни Олег Саватогин ва Сўхроб Қосимов банд қилишди. Жуфтликлар баҳсида бош соврин Алишер Зоҳидов ва Олег Саватогин дугитга насиб қилди.

Ў.А.

«ПАХТАКОР»:

ҲАМ ЧЕМПИОН, ҲАМ КУБОК ЭГАСИ

Бу йилги мавсумда чемпионлиқни мuddатидан илгари қўлга киритган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Ўзбекистон кубоги мусобақасининг финалида Муборакнинг «Машъал» клуби билан рубарў келди.

Финал баҳсида муборакликлар фақат галаба умидида келишган эди. Чемпионатда совринли ўринлардан қуруқ қолган «Машъал» учун галабагина Осиё кубок эгалари кубоги баҳсларига йўлланма олишди. Шу сабабдан муборакликлар омадларини ҳужумдан излаб қўришди. Учрашувнинг илк дақиқаларидаёқ ташаббус бир у томонга, бир бу томонга ўтиб турди. Биринчи бўлим ўрталарига келиб, «Машъал»чилар хавфли вазиятлар содир этиш

бўйича «Пахтакор»ни ортада қолдирди. Аммо, муборакликларга кўп ҳолларда аниқлик еттишмади. Сервер Жепаров ошириб берган жарима тўпини Ринат Байрамов дарвозага тўғирлаб, ҳисобни очди. Бу ҳолатда «Машъал» химоячилари Ринатни очик қолдирдилар эди. Иккинчи бўлимда «Пахтакор»чилар умуман бошқача ўйин намойиш этишди. Айниқса, нигериялик легионер Икхероуме Ученинг фаоллиги муҳлис-

ларда катта қизиқиш уйғотди. Абжирлик билан ҳужумни кучайтирган Учени рақиб жамоа футболчилари кўп ҳолларда қўполлик билан тўхтатиб қолишди. Аммо 83-дақиқада у барибир ўз сўзини айтди. Дарвозабоннинг хатосидан унумли фойдаланган Уче учрашувдаги иккинчи тўпни ўз ҳисобига ёзиб қўйди. Аҳиллик билан тўп сурган «Пахтакор» 2:0 ҳисобида зафар кўчиб сақизинчи марафата Ўзбекистон кубогини қўлга киритди.

Обтек ЭЛТОВЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 4 йиллиги муносабати билан Уртачирчиқ туманидаги Олим Аширов номли марказий ўйингоҳда спорт фестивали мусобақалари ўтказилди.

Мурасосиз кечган баҳсларда 154 нафар ўқувчи спортнинг футбол, волейбол каби турлари бўйича ўз маҳоратини намойиш этишди. Якуний натижаларга кўра биринчи ўринни 48-мактаб жамоаси қўлга киритди. Фолибларга ҳомийлар томонидан таъсис этилган дипломлар ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. **Отаёр ТОҒАЕВ.**

Ilk qadam

ONA BO'LSIN

Uyning fayzi shodon bolalar, Siz chechaksiz, muattar isli lolalar, Qalbim tilar unsiz nolalar. Farzand bilan fayzlidir erta nahor, Kulgusidan shodon oqar jo'shqin anhor, Farzand guldir, onasi bahor. Kuy chalmog'da, eshitingiz qalbm nolasi, Ona uchun oliy ne'mat murg ak bolasi. Omon bo'lsin farzandlaring tilla boshlari, To'kilmasin ko'zlaridan dur yoshlari, Kulib tursin chehrasiyu qora ko'zi, qoshlari. Farzand bo'lsa fayz kiradi xonadonga, Olib kelar xursandchilik ishq, muhabbat, Mazmun kirar hayotdagi har bir onga, Har bir ayol ona bo'lsin to' abad. Kuy chalmog'da, eshitingiz qalbm nolasi, Ona uchun oliy ne'mat murg ak bolasi. Uy to'rida tebranmaydi endi beshik, Kelmaydimi jon-jahoni qoqib eshik, Farzandsiz bag'ri to'imas, joni teshik. Bo'sh beshikka aytadi kuy allasini, Eshitmaydi farzandsiz dunyo kulgu, yallasini, Aytar bo'lsam gapning rosti-xullasini. Kuy chalmog'da, eshitingiz qalbm nolasi, Ona uchun oliy ne'mat murg ak bolasi. Ochmas ildiz qalbmizdagi qora dog'i, Yurak xazon, gullaganda so'lim bog'i, Bu xonishga chidolmaydi sabr tog'i. Farzandidan ayrilgan ona yig'laydi, Huvillagan qalbmni armon tig'laydi. Keng jahon dunyolarga qalbi sig'maydi. Kuy chalmog'da, eshitingiz qalbm nolasi, Ona uchun oliy ne'mat murg ak bolasi.

KECHIR

Kechir meni sevging qoldi javobsiz, Muhabbat ko'chasida qoldim savobsiz, Mendek tosh bag'irga chin sevgi esiz, Muhabbating qadriga yeta olmadim. Javobsiz qoldi hatto xating ham, Nigohingda sevgi-yu ko'zlaringda nam, Sevging najot topmadi ko'rdi faqat g'am, Muhabbating qadriga yeta olmadim. So'zlaring qolib ketdi nogoh yo'limda, Endi uchratmayman seni o'ng'u so'limda, Baxtim edi mening o'z qo'limda, Muhabbating qadriga yeta olmadim.

Munisaxon YAXYOYEVA, 11-sinf o'quvchisi.

Саъдулла СИЁЕВ



ТУЯ ЛУК-ЛУК ЭТАДИ...

Жаннатхон ўзини босиб олди. Атрофга қараб, кула бошлади. - Ҳайё, ҳайт, туюжон! Кетде-ек, Тошкентга!.. Ҳув, амаки, намунча имиллайсиз, тезроқ юрмайсизми? Туюкаш илдамлади, тую ҳам лўқиллашга тушди. - Тезроқ! Тезроқ! - деб бақирди Жаннатхон. У энди қўлларини кўтариб: "Ур-рей!" деган эди, мувозанатини йўқотди-ю, бир томонига оғиб кетди. Жон ҳолатда яна ўрғачга ёпишди. - До-од! Улде-ем! Туюкаш югуриб келди. - Ташлан, янга, мен ушлаб олам. - Йўқ, ётқизинг ордонангизни, - йиғламсиради-киз, - ҳозир ўлиб қолам! У шундай деб ўрқачни қўйиб юборди. Шилқ этиб туюқашнинг қўлига тушди. Туюкаш "Бу сардобани нима қиламан?" дегандай, ҳайрон бўлиб турар, киз эса унинг таёқдай қўлларидан оқбалиқдай типирчилаб ётарди. Бу манзарани кўзатиб турган Меликулов: - Анави лъанатини чакринг, Валижон, - деди ерга қараб. Пойгазда ўтирган йигит шипиллаб чиқиб кетди. Жаннатхон туюни, туюқашни қарғай-қарғай, ўтовга кириб келди. Унинг сочлари тўзиб кетган, уст-боши жикка ҳўл эди.

олди. Икки кундан бери чакаси лўқиллайди, юрагини жезтироқлики бир кимса аёвсиз тимдалайди. Бу жезтироқлар Жаннатхонга тегишли эканини эслаб, Меликуловнинг кўнгли баттар гаш бўлди. Уста-уст кўнги-роқ тугмасини босди. Котибининг қораси кўринмади. "Халиям ноз уйқуда шекилли, - гижинди Меликулов. - Соат ўндан ошди, дарағи йўқ. Жуда ўлигини ташлаб олди менга. Асли айб ўзимда. Эркалатиб юбордим. Қизик, нега шунақа бўлди, а? Илгари бир ишорамга юз думалаб кетарди. Кейинги пайтда кимга айтпасан демайди. Хохласа, айтганингни қилади, хохламаса - йўқ. Нима бўлди?" Меликуловнинг кўз олди-га чўл, Жаннатхонни миндириб лўқиллаб кетаётган тую келди. Бир сонияда бошига қулоқчин кийган, кўрмисизгина, қотмадан келган қорача туюкаш ўрнида Салмонов пайдо бўлди. У ҳадеб Жаннатхонга муқом қилар, Меликулов ўтирган ўтовни кўрсатиб, пик-пик қуларди... Ҳўл Мардиевич ёмон туш кўриб уйғонган-дек, бошини сарак-сарак қилди. "Ҳайдайман! Иккала-ланги хайдаб юбораман!" деб ўдағайлади ўзича. Худди шуни пойлаб тургандек, эшик охира очилди. Жаннатхоннинг шодон чеҳраси кўринди. Эгнида жинси шим, қизил кофта, оппоқ бўйнида бодроқдек йирик шода марварид. "Ака, менга бир қаранг!" дегандек, эшикка суяниб турибди. Меликулов уни ёнига чақирди, олдига бир варақ қороз ташлади. - Манг, ёзинг! Киз қалам олиб, бошлигининг озига тикилди. - Нега лаллайиб ўтирибсиз, бўлмайсизми? - Айтнинг-да, ахир, нима деб ёзай? - Ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзинг! Жаннатхон қорғозни жаҳл билан нари сурди. - Боринг-е! Нега бўшар эканман? Менга шу ер ёқди. Ўлсам ҳам бўшайман!

ликулов. - Билганингиздан қолманг. Кўрқмайман. Жаннатхон столни айланиб ўтиб, Меликуловга яқинлашди. - Хо-о, шунақа денг? Мана, каттақон бир идоранинг бошлигисиз. Виждонни ўртага қўйиб айтинг-чи, мени неча марта ўпангиз? - Бир марта, - деди Меликулов ўзини босиб, - турилган кўнгида пешонангиздан ўлганман. Ҳамма гувоҳ эди. - Тўғри, - тасдиқлади киз, - ҳамма гувоҳ эди... Аммо... ҳеч ким йўғида ҳам ўлганлар, десам-чи, нима бўлади? Худго шукр, эманизация деган процесс бошлангандан бери аёлларнинг гапи қилич кесадиған бўлиб қолди. Айтганими? - Айтаверинг. Фойдаси йўқ, қайтанга ўзингиз шарманда бўласиз. Гунажон кўзини сузмаса ва хоказо... Яхсиси, савдолашмай, ариза ёзинг. Сиз ўтирган ўринингизга муносиб эмассиз. Хулқ-аъволингиз ноҳор. Сиз-даки кимсалар керак эмас бизга. Жаннатхон билдики, ҳужайин уни бўшатмай қўймайди. Шунинг учун ётиб қолгунча отиб қол, қабилида ҳужумга ўтди. - Хулқим ноҳор бўлиб, халигача бировга зиёним теккани йўқ. Мабоодо ўйнатиб келганингизни миннат қилаётган бўлсангиз - хуш кўрдик! Энди Қизилқум тугул Олтинқумингизга ҳам бормайман! Мен сизни бунчалик бачкана деб ўйламоқчим. Ҳўш, номуносиб кадрларга келса, идорангиздаги одамларнинг тенг ярми ўз ўрнида эмас. Жаноблари бошчилик қилаётган мана шу даргоҳда қамалиб чиққан йўри ҳам, хотинбозу пиёниста ҳам, арпа билан бўлдоининг фарқига бормайдиган чаласавод агроном ҳам бор! Тилимин қичитиб нима хиласиз? Чой-чилимингизга қарайдиган югурдақларингиз нечта? Бештами? Унтами? Сиз жа-а, ҳақиқатгўй экансиз, аввало ушаларни бўшатинг эди! - Ҳўв, озингизга қараб гапиринг! Ўзингиздан-ўзингиз нима деб вадирлангизсиз?! - Мен кўрган-билганимни айтаяман. У ёғини сура-сангиз, ўзларининг орқа-боши ҳам тоза эмас. Қизингизни қандай қилиб инстингга киритганингизни... Салмоновнинг йилига неча марта уйнингизга келиб-қетишини... Дадашев деган йўқ одамга ойма-ой муқофот ёзиб беришингизни, ҳаммасини биланман. Хатто, отангизнинг ўлигини ҳам ишхонадагилар кўмиб беришди-ку? Ёлгон денг-чи?

...Меҳмонхонага ярим тунда қайтишди. Меликуловнинг асаби тарағн, ёмон сўз айтиб юборишдан ўзини зўрга тўтиб турарди. - Сиз ҳеч одам бўлмадингиз-бўлмадингиз, - деди плашини ечиб отаркан. - Тамом, сийлаганни сизгир билмас экан. Тошкентга бо-райлик, биринчи кўниёқ хайдаб юбораман! Жаннатхон белини ушлаб, хезланиб қараётганга яқинлашди: - Мени-я? Сиз мени ким деб ўйлаясиз? Мен сизга боғи чўпоннинг эҳкисимидим, "кур-ей, ҳайт" деса кетаверадиган. Мени кимсан - Жаннатхон дейдилар! - Кўраимиз, - гезарди Меликулов. - Кўраимиз, - деди Жаннатхон ҳам ва тарс-турс юриб, ўз хонасига кириб кетди. Биров елкасидаги юкни усталик билан ерга қўйди, биров ношудлик қилиб ташлаб юборди-ю, лат ейди. Меликулов ҳам Жаннатхондан кутулиш йўлини қўл ўйлади. Охири таваккал қилмоқчи бўлди. Лекин қўшқўман деб, кўз чиқаришга сал қолди. Улар Қизилқумдан жумда қайтишди. Душанба кўни Ҳўл Мардиевич ишга чиқди. Кабинетига кирди-ю, хурпайиб ўтириб

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

ликулов. - Билганингиздан қолманг. Кўрқмайман. Жаннатхон столни айланиб ўтиб, Меликуловга яқинлашди. - Хо-о, шунақа денг? Мана, каттақон бир идоранинг бошлигисиз. Виждонни ўртага қўйиб айтинг-чи, мени неча марта ўпангиз? - Бир марта, - деди Меликулов ўзини босиб, - турилган кўнгида пешонангиздан ўлганман. Ҳамма гувоҳ эди. - Тўғри, - тасдиқлади киз, - ҳамма гувоҳ эди... Аммо... ҳеч ким йўғида ҳам ўлганлар, десам-чи, нима бўлади? Худго шукр, эманизация деган процесс бошлангандан бери аёлларнинг гапи қилич кесадиған бўлиб қолди. Айтганими? - Айтаверинг. Фойдаси йўқ, қайтанга ўзингиз шарманда бўласиз. Гунажон кўзини сузмаса ва хоказо... Яхсиси, савдолашмай, ариза ёзинг. Сиз ўтирган ўринингизга муносиб эмассиз. Хулқ-аъволингиз ноҳор. Сиз-даки кимсалар керак эмас бизга. Жаннатхон билдики, ҳужайин уни бўшатмай қўймайди. Шунинг учун ётиб қолгунча отиб қол, қабилида ҳужумга ўтди. - Хулқим ноҳор бўлиб, халигача бировга зиёним теккани йўқ. Мабоодо ўйнатиб келганингизни миннат қилаётган бўлсангиз - хуш кўрдик! Энди Қизилқум тугул Олтинқумингизга ҳам бормайман! Мен сизни бунчалик бачкана деб ўйламоқчим. Ҳўш, номуносиб кадрларга келса, идорангиздаги одамларнинг тенг ярми ўз ўрнида эмас. Жаноблари бошчилик қилаётган мана шу даргоҳда қамалиб чиққан йўри ҳам, хотинбозу пиёниста ҳам, арпа билан бўлдоининг фарқига бормайдиган чаласавод агроном ҳам бор! Тилимин қичитиб нима хиласиз? Чой-чилимингизга қарайдиган югурдақларингиз нечта? Бештами? Унтами? Сиз жа-а, ҳақиқатгўй экансиз, аввало ушаларни бўшатинг эди! - Ҳўв, озингизга қараб гапиринг! Ўзингиздан-ўзингиз нима деб вадирлангизсиз?! - Мен кўрган-билганимни айтаяман. У ёғини сура-сангиз, ўзларининг орқа-боши ҳам тоза эмас. Қизингизни қандай қилиб инстингга киритганингизни... Салмоновнинг йилига неча марта уйнингизга келиб-қетишини... Дадашев деган йўқ одамга ойма-ой муқофот ёзиб беришингизни, ҳаммасини биланман. Хатто, отангизнинг ўлигини ҳам ишхонадагилар кўмиб беришди-ку? Ёлгон денг-чи?

(Давоми бор).

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида санъатшунос Шохалил Шоевнинг "Замонавий Ўзбекистон миниатюраси" китоби тақдими бўлиб ўтди.

Бирданига уч тил - ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган ушбу китоб нафақат муаллиф учун, балки ноширлар учун ҳам катта ютуқ бўлгани алоҳида таъкидланди. Асар Ш. Шоевнинг узоқ йиллик заҳматли меҳнати ҳосиласи бўлиб, унда бетакрор ўзбек миниатюра санъати тарихи, тараққиёти


ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

ва тадрижий давоми ҳикоя қилинган. Халқимизнинг бебаҳо амалий санъати ҳақида қўллаб маълумотлар жамланган ушбу асарнинг китоб шакли ҳам унча-мунча санъат туридан қолишмайди: матбаачиларимизнинг маҳорати ва салоҳияти нечоғли эканини яққол кўрсатиб турган ушбу китоб Москвада бўлиб ўтган учинчи халқаро кўргазмада биринчи ўринни олган! Мазкур халқаро кўргазмада турли давлатларнинг 130 га яқин нашри-

САЛОМАТЛИК - ТУМАН БОЙЛИК

ҚОВОҚ САЙЛИ

Инсон саломатлигини таъминлашда мева-сабзавот маҳсулотларининг аҳамияти катта. Айниқса, қовоқнинг шифобахш хусусиятлари қўлпигини олимлар эътироф этишмоқда. Тошкент Тиббий академияси қовоқнинг инсон соғлиги учун фоят фойдаланиш эканлигини кенг жамоатчилик, жумладан, талабаларга чуқурроқ тушутириш мақсадида ўтган йилдан бошлаб қовоқ сайли ўтказилмоқда. Бу гал ҳам академия ҳовлиси анъанавий сайлига тўлланган ўқитувчилар, талабалар ҳамда меҳ-



«Туркистон-пресс».

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

2006 йил 12 декабрь куни соат 11:00 да Республика кўчмас мулк биржаси биноси мажлислар залида бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объектлари ва автомобилотранспорт воситалари қўйилади.

- 1. Паркент тумани Суд ижрочилари бўлинимаси томонидан хатланган Заркент ХИТФга қарашли, Паркент тумани, Заркент қишлоғида жойлашган «Икки қаватли тикув цехи» объекти. Бошлангич баҳоси - 18266300 сўм.
2. Паркент тумани Суд ижрочилари бўлинимаси томонидан хатланган «САО» ХФга қарашли, Паркент тумани, Паркент шаҳри, А. Навоий кўчасида жойлашган «Савдо дўкони биноси» объекти. Бошлангич баҳоси - 5811764 сўм.

Table with 5 columns: №, Объектнинг номи, Бошлангич баҳоси, сўм, Объект қайси корхона ёки ташкилотга тегишли, Объектнинг қисқача тавсифи, Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой

Паркент тумани Суд ижрочилари бўлинимаси томонидан хатланган

Table with 5 columns: №, Объектнинг номи, Бошлангич баҳоси, сўм, Объект қайси корхона ёки ташкилотга тегишли, Объектнинг қисқача тавсифи, Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой

Бекобод шаҳар Суд ижрочилари бўлинимаси томонидан хатланган

Table with 5 columns: №, Объектнинг номи, Бошлангич баҳоси, сўм, Объект қайси корхона ёки ташкилотга тегишли, Объектнинг қисқача тавсифи, Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой

Ушбу объектлар сотилмаган тақдирда 2006 йил 14, 19, 21, 26, 28 декабрь, 2007 йил 2, 4, 9, 11, 16, 18, 23, 25, 30 январь ва 1, 6, 8 февраль кунлари ўтказилаётган такрорий аукцион савдоларига чиқарилади. Қизиқш билдирган иштирокчилар кўчмас мулк объектларини юқорида кўрсатилган манзилларда қўриш имкониятга эга. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошлангичидан 1 кун олдин, соат 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан закалат пулини РКМБ нинг қуйидаги:

инсон танаси учун керакли бўлган турли-туман оқсиллар, дармондорилар, ферментлар, тузалар, ёғлар уйғунликда эканлиги туфайли у осон хазм бўлади ва танага тез сингади. Қовоқнинг юрак-қон томир, ҳам аъзоларига ижобий таъсири, подгага, атеросклероз ва саратон касалликларидан сақлаши ҳам сир эмас. Қовоқ сайлининг ширқовоқлар, энг катта қовоқлар танлови, турли викториналар билан ўтганлиги, шунингдек, эл севган хушовоз хонандаларнинг чиқишлари, академиянинг «Адреналин» гуруҳининг қовоқ ҳақидаги хангомалари ҳам тадбирга фойз бағишлади. Сайил якунида хар турли йўналишлар бўйича ўтказилган танловларнинг голиб ва совриндорларига ташкилотчилар томонидан ажратилган совғалар тўхфа этилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ. СУРАТЛАРДА: қовоқ сайли мана шундай қизиқарли тарзда ўтди.

Тошкент вилояти аҳолиси диққатига!

Почта алоқаси бўлиmlари ва почтачилар томонидан 2006 йил октябрь ойи пенсия ва нафақа пуллари пенсионерларга тўлиқ етказилган. Шу йилнинг октябрь ойи пенсия ва нафақа пуллари етказилиши таъминланмаган ҳолатлар бўлса, 50-04-43, 50-93-94 ва 50-03-71 рақамли телефонлар орқали «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиалига мурожаат қилишингизни сўраймиз. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиали маъмурияти.

Яққасарой туманидаги «Тезорар-Ватанпарвар» масъулияти чекланган жамияти ТУГТАИЛАДИ. Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 50-44-18 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун ре- лума ва эълон берувчилар масъулдир.